

Малайзия ҳалол инсулин заводини қуришни режалаштирмоқда



14:59 / 13.12.2021 1096

Малайзиянинг энг йирик фармацевтика компанияси «Farmanuaga Burhad» ҳалол инсулин заводини қуриш учун 14 миллион доллар сарфлашни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Salam Gateway news хабар берди.

Қандли диабетга чалинганлар сони ортиб бораётганига қарамай, ҳозирда мамлакатда ҳалол инсулин заводи мавжуд эмас.

Малайзия компанияси ушбу бўшлиқни 10 миллиард долларлик инсулин бозорида тўлдиришни мақсад қилган. Диабет касаллигини даволаш учун ташкил этилаётган муассаса 2025 йилда очилиши кўзда тутилмоқда.

«Ушбу акция юрак-қон, томир ва қандли диабетга қарши дори воситалари бозоридаги иштирокимизни мустаҳкамлайди, дейди «Farmanuaga Burhad» компанияси раҳбари Зулқарнайн Муҳаммад Юсуф.

Ҳалол ишлаб чиқариш технологияси Малайзия фармацевтика компаниясининг энг муҳим ривожланиш стратегияларидан биридир. Шунингдек, у дунёдаги биринчи ҳалол вакцина заводини очишни режалаштирмоқда.

Ҳалол хом-ашё секторини ўз ичига олган ҳалол озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотлари Малайзиянинг умумий ҳалол экспортининг 85% дан ортиғини ташкил қилади. 2021 йилнинг биринчи чорагида ҳалол

косметика, саноат кимёвий моддалари ва ҳалол дори воситалари Малайзиянинг ҳалол экспортининг 13,1 фоизини ташкил қилди.

Малайзияда 2030 йилга бориб ҳалол саноатининг глобал айланмаси 5 триллион долларга етиши тахмин қилинмоқда. Жорий йилда Малайзиянинг ҳалол саноат бозори 113,2 миллиард долларгача ўсиши кутилмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади